



Халқ сўзи

Ўзбекистон -
келажаги
буюк
давлат

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ САМАРАДОРЛИК САЛОҲИЯТИ

корхоналаримиз барқарор ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг янада ўсишида муҳим аҳамият касб этади

Мамлакатимизда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли иқтисодийташқи барча тармоқлари, жумладан, газ-кимё саноати ҳам жадал ривожланоқда. Буни «Шўртангазимё» мажмуасининг фаолияти яққол кўрсатиб турибди. Гап шундаки, бу ерда жорий йилнинг тўққиз ойида умумий ишлаб чиқариш ҳажми 8,6 фоизга ўсди.




Ўқидлаш керакки, мамлакатимиз газ-кимё саноатининг асосий негизи саналган ушбу жамоанинг фаолиятига ҳали кўп бўлгани йўқ; эндигина олти йил ўтди. Шу йиллар давомида ишлаб чиқариш суръати муттасил ошиб, маҳсулот сифати тобора яхшиланиб бораётгани, айниқса, қувонарли. Бунга тизимга юксак технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришга фан-техника янгиликларини қўллаш ва тежамкорлик ҳисобига эришилмоқда. Бугунги кунда газни тозалаш даражаси 99,9 фоизга етказилгани бунинг исботидир.

Этиборли томони шундаки, мажмуада олинаётган фойданинг салмоқли қисми 3500 кишилик меҳнат жамоасини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, вилоятда ишлаб чиқаришни ривожлантириш каби мақсадларга йўналтирилмоқда. Жумладан, маж-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари қатнашди.

Мажлиси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тوشмухамедова олиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджет лойиҳаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р. Азимов маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси А. Аҳадов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати макроеқтисодий барқарорликни ва ялпи ички маҳсулотнинг мустаҳкам ривожланиши тўғрисида бўлишига эришилган ва рақобатбардор иқтисодиётни шакллантиришга, аҳолининг фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов томонидан илгари сурилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига оқибатларининг олдини олиш ва барқарор элдини бўлиб 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалда рўйга чиқариш ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Давлат бюджетига ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга, банк ишларини такомиллаштириш, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ролни ҳамда аҳамиятини ошириш, фермерлик ҳўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хизматлар қўрсатиш соҳасини ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашнинг муҳим омилли сифатида қўллаб-қувватлашга қаратилган узоқ муддатли, ўзаро чамбарчас боғлиқ чора-тадбирларнинг кенг комплексини рўйга чиқариш мазкур қўмитанинг аҳоли турмуш сифатини тубдан яхшилашга ҳам катта эътибор қаратилган.

Мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўта муҳим устуворликлари маърузада 2010 йилда Ўзбекистон Республикасининг солиқ сийосати ҳўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги молиявий юкни яна-

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

СУРХОНДАРЁ вилоятдаги «Шўрчинонамуҳсулотлари» акциядорлик жамияти жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида хоризгга 13 минг тоннага яқин ун экспорт қилди.

Ризқ-насиба тегирмони

Илгор технологияга асосланган ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги маҳсулот сифатининг яхшиланишини кафолатламақда.

Айтиш лозимки, вилоятнинг бош тегирмони ҳисобланган ушбу корхона йил бошидан бун 80 минг тоннага яқин галлани қайта ишлади. Бу эса белгиланган режадагидан 12 фоизга кўп, демакдир. Шунингдек, жамият қошида ташкил этилган цехларда 300 тоннадан зиёд макарон, 25 миллион сўмлик ўн хилдан ортиқ қандоқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН. «Исковт АГРС-Бекобод» юқори босимли газ тармоғи тортилиши билан Янгиқўрғон ва Чортоқ туманларидаги 12 та қишлоққа «зангори олов» қириб борди.

Ўн иккита қишлоққа табиий газ

Бунинг учун «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан 800 миллион сўм маблағ сарфланди. Эндиликда лойиҳанинг кейинги босқичи — қишлоқ ва маҳаллаларга ўрта босимли қувурларни монтаж қилиш ишлари давом этмоқда.

Қувурларни, янги тармоқнинг ишга туширилиши билан ҳудудда истиқомат қилувчи 60 минг нафарга яқин аҳолининг беёмнат ёнилғига бўлган талаби қондирилди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД давлат университетда «Қатламлар назарияси, динамика тизимлари, махсусликлар назарияси ва уларнинг табиқоти» мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

Хоризликлар тан беришди

Унда Франция, Италия, Россия, Германия, АҚШ, Бразилия, Исроил каби ўттиздан ортиқ мамлакатдан таниқли олимлар иштирок этиб, математикада эришилган энг сўнгги илмий ютуқ ва натижаларни муҳокама қилди. Шунингдек, хоризлик тадқиқотчилар юртимиз математиклари томонидан олиб бораётган илмий илланамалар ҳамда бу борда эришилган ютуқларни ишлаб чиқаришга табиқ этиш жараёни билан ҳам яқиндан танишди.

Айтиш лозимки, мазкур халқаро тадбирда тақдим этилган барча илмий маърузалар Францияда китоб ҳолда чоп этилиб, бутун дунё математикларига қўллана сифатида тарқатилади.

А. САТТОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚАЛБИМИЗ ФАХРУ ИФТИХОРГА ТЎЛДИ

Бугун мамлакатимиз бўйлаб ажойиб шодён кезиб юрибди. Биз, фермер ва пахтакорлар меҳнат байрами — пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасининг ошириб бажарилганини зўр мамнуният билан нишонляймиз. Шу муносабат билан Президентимизнинг қишлоқ меҳнаткашларига табрик йўллагани барчанинг кўнгилни фахр-ифтихорга тўлдирди.

Яна бир қувонарли жиҳати шундаки, табрикда бизнинг «Рўзимбой» фермер ҳўжалигимиз номи ҳам илгорлар қатарига тилга олинди. Бу эътиборни нафақат ҳўжалигимиз аҳлига, балки Эллиқалъа тумани фермерларига билдирилган юксак ишонч сифатида қабул қилдик.

Президентимиз табригида, жумладан, шундан дейилди: «Айтиш керакки, 2009 йил мавсуми ҳам биз учун кўп жиҳатдан мураккаб бўлди. Аввало, баҳор серёғин келиб, икким инжиқлиги катта қийинчилик туғдиргани, сел ва дўллар кўпайгани, қуёш ҳароратининг етишмаслиги туфайли дала-ларни тайёрлаш, чигитни экиш ва тўла ундириб олиш жараёни, ҳаммамизга маълум, қариб бир ой орқаси сурилиб кетди».

Дарҳақиқат, бу йилги шароитда 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта хирмони яратиш осон кечмади. Айниқса, шимоллий минтақада жойлашган қоракалпоғистонлик фермерлар учун ҳосил тўплаш жараёни мураккаб кечди. Негакки, апрел ойининг бу йилгидек инжиқ келганини кўпчилик эслолмайди. Аммо Ўртолбошимизнинг пахтачилик тармоғига бераётган алоҳида эътибори, фермер ҳўжалиқларига қўрсатилаётган амалий кўмак туфайли вазиятни юмшатишга, ундан дадил чиқиб кетишга муваффақ бўлдик.

Бизнинг фермер ҳўжалигимиз ерлари қадимий «Қирққиз» ҳудудида жойлашган. Даламизнинг шудок ёнида «Бургутқалъа» ёдгорлиги бор. Аф-

риғийлар даврига оид мазкур қаср жаҳон археологлари ва сайёҳларининг эътиборини тортиб келмоқда. Демокчи-манки, бу ерга келган хоризлик меҳмонлар бизнинг меҳнат шайримизни кўриб, юртимиз қишлоқ ҳўжалиги ва ишчилари ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлишади. Шу боис мўъжазгина дала шийони курганимиз. Шийонда эса ишчиларнинг дам олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Айтгандай, пахта йиғим-терими мавсуми кўнларида шийонимизда европалик бир гуруҳ сайёҳлар меҳмон бўлишди. Уларни ўқитиб етиштирган қовун, тарвуз ва мевалар билан сўйлашди. Сайёҳларнинг бири синчков экан, шийондаги замонавий каминни кўриб, «Ростдан ҳам бу дала шийонимиз?» дея аввалга ишонқирамагандай бўлди. Фермер ҳўжалигимиз тасарруфидо йилгига 1,5 миллион донда пишққ гиш ишлаб чиқариладиган кичик завод, бундан ташқари, ёнилғи қуйиш шохоб-

Дил сўзи

часи, бир неча савдо дўкони, 14 та замонавий техника воҳитаси мавжудлиги, улардан келадиган даромаднинг салмоқли қисми ишчиларни моддий рағбатлантириш, меҳнат шайримизнинг яхшилашга сарфланганини, давлатимиз кўмаги билан тажриба алмиши учун бир неча хориз мамлакатлари, шу жумладан, Хитой Халқ Республикасига бориб келганини гапириб берганидан кейин у бизга ҳавас қилганини изҳор этди. Фермер қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчигина эмас, балки қишлоқ ҳаёти фаровонлигига ҳисса қўлувчи кўч сифатида шаклланигани алоҳида таъкидлади.

Бу йилги пахтачиликдан оладиган даромадими, шубҳасиз, бу борадаги ишларимизни янада жонлантиради. Чунки кетаридан ўртача 45-50 центнердан ошириб сифатли пахта етиштиридик. Қўнғимиз чоғ. Шартнома режасини ошириб бажарганидан сўнг меҳнат галабасининг гашти бўлаққа бўларканда. У шундай завқлики, эртани кунга булган ишонч тибора мустаҳкамламоқда.

Эркин СУЛТОНОВ, Эллиқалъа туманидаги «Рўзимбой» фермер ҳўжалиги раҳбари.

(Давоми 2-бетда).

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАФИШЛАНДИ

31 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари, Қоракалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари раислари ва оммавий ахборот воҳиталари ходимлари иштирок этди.

Тадбир округ сайлов комиссиялари раисларининг илмий сайлов қонунчилиги ва амалиёт борасидаги билимини янада ошириш, шунингдек, округ сайлов комиссияларининг сайлов тайёрларлиги кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини тўғри ташкил этиш, сайлов комиссияларини молиялаштириш тартибига қатъий амал қилиш, уларнинг олдига турган долзарб вазифаларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов семинар-кенгашида шайонимизда европалик бир гуруҳ сайёҳлар меҳмон бўлишди. Уларни ўқитиб етиштирган қовун, тарвуз ва мевалар билан сўйлашди. Сайёҳларнинг бири синчков экан, шийондаги замонавий каминни кўриб, «Ростдан ҳам бу дала шийонимиз?» дея аввалга ишонқирамагандай бўлди. Фермер ҳўжалигимиз тасарруфидо йилгига 1,5 миллион донда пишққ гиш ишлаб чиқариладиган кичик завод, бундан ташқари, ёнилғи қуйиш шохоб-

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ ЙЎЛИДА»

Мисрининг босма ва электрон турда фаолият юритувчи «Мамлакат овози» ҳафталик газетаси аъзолари сони Мисрининг ўзида ва бошқа араб давлатларида 150 минг кишини ташкил этади. Нашр яқинда сиёсий шарҳловчи, Миср Араб Республикаси ахборот вазири маслаҳатчиси Мағди Дайфининг «Ўзбекистон парламент сайловлари йўлида» сарлавҳали мақоласини чоп этди. Қуйида ушбу мақоланинг таржумасини бир оз қисқартирилган тарзда эътиборингизга ҳавола этаймиз.

сиёсий сайлов кампаниясининг асосий бўғини ҳисобланганини маълум қилди. Хеч ким, биринчи навбатда, мамлакат ҳокимияти органларининг сайлов ишларига аралашishiга йўл қўйилмаслиги ва белгиланган қонунчиликка мувофиқ, бундай уриношларга қарши кескин чоралар қўрилиши ҳам таъкидланди. Айтиш жоизки, Ўзбекистонда сайловларнинг адолатли ва шайоралик асосида ўтишини таъминлаш мақсадида халқаро қузувчиликларнинг иштирокига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Амалдаги қонун қўрувчи, ижро ва суд органлари ҳокимиятини шакллантириш орқали давлатчилик асосига замин яратган ҳамда икки палатали парламент тузилмаси — Сенат ва Қонунчилик палаталарини шакллантирган, инсон ҳўқуқларини таъминловчи Омбудсман институтини жорий этган Ўзбекистон Республикаси айни пайдада демократик давлат асосларини мустаҳкамлашга интиломоқда. Яқинда ўз мустақиллигининг 18 йиллигини нишонлаган ушбу мамлакат Президентини Ислон Каримовнинг бевосита раҳбарлигида йўлида уч-раган барча тўнқларни мардонавор енгилга эришти ва ҳафсизлик ҳамда барқарорлик оролига айланди.

Ўзбекистон эришилган ютуқлари билан чекланмай, сиёсий рақобат ва демократияни рағбатлантиришнинг асосини ташкил этувчи кўп партиявийлик тизимини шакллантириш орқали сиёсий ҳаётни ривожлантиришда давом этмоқда. Шу боис парламент фаолияти си-

Дунё нигоҳи

фат жиҳатдан янги поғонага қўтарилганини қайд этиш мумкин.

Мустақилликка эришилгандан сўнг ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси парламенти — Олий Мажлиси депутатлик мандатлари сони 120 дан 150 тага оширилди. Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар 2009 йилнинг 27 декабрида ўтказилиши эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси шу муносабат билан ўтказилган брифингда Марказий сайлов комис-

«Жаҳон» АА. Қоҳира



ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

мақсадли пул-буюм ютуқли, тиражли лотереяси бўйича 2009 йил 30 октябрда Бухоро шаҳрида ўтказилган III ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Мазкур ютуқлар тиражида битта разряд бўйича умумий суммаси 875 366 559 сўмлик 145 600 та пул-буюм ютуқлари ўйналди. Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилди. Масалан, серия рақами 004223, билет рақами 069* бўлган лотерея билетига суперютуқ — «CAPTIVA» автомобили чиққанлиги кўрсатилган. Серия ва рақами худди шундай лотерея билетининг иккинчи разряди бўйича ҳам шундай ютуқлар чиққан ҳисобланади.

Серияси ва рақами куйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for the first section.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for the second section.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for the third section.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for the fourth section.

